

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТУРДИАЛИЕВ УМИД МУХТАРАЛИЕВИЧ

**БЕНТОНИТ ГИЛЛАРИ ҚЎШИМЧАСИ БИЛАН
МОДИФИКАЦИЯЛАШТИРИЛГАН АММИАКЛИ СЕЛИТРА ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Турдиалиев Умид Мухтаралиевич

Бентонит гиллари қўшимчаси билан
модификациялаштирилган аммиакли селитра олиш
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Турдиалиев Умид Мухтаралиевич

Разработка технологии получения модифицированной
аммиачной селитры с добавкой бентонитовых глин..... 19

Turdialiev Umid

Development of modified ammonium nitrate technology with additive of
bentonite clay 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТУРДИАЛИЕВ УМИД МУХТАРАЛИЕВИЧ

**БЕНТОНИТ ГИЛЛАРИ ҚЎШИМЧАСИ БИЛАН
МОДИФИКАЦИЯЛАШТИРИЛГАН АММИАКЛИ СЕЛИТРА ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эркаев Ақтам Улашевич
техника фанлари доктори, профессор

Жуманиязов Максуд Жаббиевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Фарғонаазот» АЖ

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2017 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanrux@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., проф., академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош истиқболи – тупроқни қайта ишлашнинг янги технологияларини жорий қилиш, экинларнинг юқори ҳосилдор навларини яратиш ва албатта минерал ўғитларни кенг қўллаш ҳисобига ҳосилдорликни оширишдан иборатдир. Бу ўринда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири бўлган минерал ўғитларни физик-кимёвий ва истеъмоллик хусусиятлари янада яхшилашга эътибор берилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамиз кимё саноатида ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни тадбиқ этиш, экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулотларни, жумладан азотли, фосфорли, калийли ва мураккаб ўғитлар ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг ассортиментини кенгайтириш буйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммиакли селитра (АС) энг йирик тоннажли ва самарали азотли ўғитлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистондаги энг йирик ўғит ишлаб чиқариш корхоналари йилига жами 1,7 млн. тоннадан зиёд АС ишлаб чиқармоқдалар.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган илмий изланишларда селитранинг истеъмолга доир хоссаларини яхшилашда самарали модификаторларни танлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Селитранинг ёпишқоқлигини бартараф қилувчи энг яхши модификатор – магнезитли қўшимча ҳисобланиб, бизнинг кимёвий корхоналар хориждан сотиб олиб келинаётган каустик магнезит ва бруситни ишлатмоқда. АС нинг кўп тоннажлигини ҳисобга олган ҳолда валюта маблағларини тежаш учун магнезитли қўшимчани маҳаллий хом ашё материалларига алмаштириш талаб этилади. Мазкур ишнинг вазифаси импорт қилинаётган қўшимчаларни Ўзбекистонда захираси етарлича кўп бўлган маҳаллий хом ашё манбаси – бентонитга алмаштириш ҳисобланади. У агрономик рудага тааллуқли бўлганлиги сабали, тупроқ ва ўсимликларга ҳеч қандай зарар етказмайди, бу эса яхши натижаларга эришишга замин яратиб беради. Бентонит қўшимчасида ёпишқоқлиги бўлмаган донадорланган аммиакли селитра технологиясини ишлаб чиқишда қуйидаги илмий ечимларни асослаш талаб этилади, жумладан: бентонит хом ашёси таркиб ва хоссаларининг селитра доналар мустақамлигини ошириш билан бир вақтда ёпишқоқлигини камайтиришга таъсирини аниқлаш; бентонит гили ёрдамида селитра ғовакчалари ва микроёриқларини тўлдириш, натижада селитра доналарининг анча такомиллашган ички юза ва тузилишини ҳосил қилишга асосланган кўпгина кристалланиш марказларини яратиш; ёпишқоқлиги бўлмаган аммиакли селитра ишлаб чиқариш учун хом ашё қўшимчаси сифатида четдан келтирилаётган магнезит ва бруситни маҳаллий бентонит гилларига тўлиқ алмаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-

тадбирлар дастури тўғрисида» ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 январдаги 8-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда ноорганик материаллар қўшиш орқали ҳам ёпишқоқлиги бўлмаган, ҳам термик барқарор аммиакли селитра (АС) олиш бўйича ишлар кенг ёритилган. АС нинг ёпишқоқлигини бартараф этиш муаммоси бизда ҳамда жаҳонда АС га ҳар хил қўшимчаларни киритиш йўли орқали ечилмоқда. ГОСТ га мувофиқ АС га қўшимча сифатида аммоний сульфати, унинг аммоний ортофосфати билан бирикмаси, доломит, оҳак, каустик магнезит, ортобор кислотаси, диаммонийфосфат ва аммоний сульфати аралашмасидан иборат фосфатли-сульфатли-боратли қўшимчалар фойдаланилади (Клевке В.А., Миниович М.А., Олевский В.М., Иванов М.Е., Цеханская Ю.В., Поляков Н.Н., Стрижевский И.И., Brown Marjon L). Селитра учун магнезит энг яхши қўшимча саналади. Энг кўп тоннажли азотли ўғит ҳисобланган АС таннархини камайтириш мақсадида магнезитли қўшимчани маҳаллий бентонитга алмаштириш лозим.

Адабиётларда бентонит ёрдамида селитра ёпишқоқлигини баратараф этиш бўйича маълумотлар мавжуд (Vincent J.Russo, Фридман С.Д., Гельперин Н.И., Абросимова А.М., Скум А.С., Кириндасова Р.Я.). Аммо бу хом ашёнинг таркиби ва хоссалари ўзгарувчан бўлганлиги сабабли ҳар хил кон бентонит гилларини АС ишлаб чиқаришида ишлатишнинг самарадорлиги мутлақо ҳар хил бўлиши мумкин. Юқорида қайд этилган мақсад учун у ёки бу кон бентонит гилининг яроқлилигини аниқлаш ва мақбул шароитларни танлаш учун махсус тадқиқотлар талаб этилади. Адабиётларда селитра суюқланмасига уни донадорлаштиришдан олдин бентонит гилларини тўғридан-тўғри киритиш бўйича маълумотлар йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ИК-2013-2 рақамли «Бентонит қўшимчали иссиқликка чидамли аммиак селитрасини олиш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа (2013-2014 йй.) ҳамда «Навоиазот» АЖ билан 25.04.2013 йилда тузилган 13-17 рақамли «Селитра суюқланмаси ва бентонит гиллари асосида ёпишқоқлиги бўлмаган аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовларини ўтказиш» (2013-2015 йй.) ва 25.04.2014 йилда тузилган 14-07 рақамли «Селитра суюқланмаси ва бентонит гиллари асосида

модификациялаштирилган аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовларини ўтказиш» (2014-2015 йй.) мавзуларидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аммоний нитрати суюқланмасига бентонит гилларини қўшиш асосида физик-кимёвий ва истъеъмолчилик хусусиятлари яхшиланган модификациялаштирилган аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ҳар хил кон (Азкамар, Каттакўрғон, Лағон ва Навбахор) бентонит гилларининг кимёвий таркиби ва физик-механик хоссаларини аниқлаш; NH_4NO_3 суюқланмасига ҳар хил бентонит гилларини қўшиш йўли билан ёпишқоқлиги бўлмаган АС олиш жараёнини ўрганиш;

АС нинг асосий хоссаларига (доналар ёпишқоқлиги, мустаҳкамлиги, $20 \leftrightarrow 50^\circ\text{C}$ оралиғида қиздириш-совитиш кўп қайтарилувчи цикларга термик бардошлиги) бентонит гиллари дастлабки намлигининг таъсирини ўрганиш;

таркибида 1,0% намлик тутган бентонит гиллари қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС нинг таркиб ва хоссаларини ўрганиш;

бентонит гиллари қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС нинг полиморф ўзгаришларини ўрганиш. Электрон микроскопи ёрдамида ёпишқоқлиги бўлмаган АС доналари тузилишини ўрганиш;

АС : БГ оғирлик нисбати ва ҳароратга боғлиқ равишда бентонит-нитратли суюқланмаларнинг реологик хоссаларини ўрганиш;

лаборатория модел қурилмасида модификациялаштирилган АС олиш режимларини синовдан ўтказиш ва маҳсулотнинг тажриба партиясини олиш;

«Навоиазот» АЖ да бентонит гиллари қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС олиш технологиясининг тажриба-саноат синовларини ўтказиш;

Тадқиқотнинг объекти. NH_4NO_3 (аммоний нитрати), NH_4NO_3 суюқланмаси, Ўзбекистон бентонит гиллари, магнезит қўшилган АС, бентонит-нитратли суюқланма, бентонит гиллари қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС (АС : БГ нисбатлари 100 : 0,5 дан 100 : 3,0 гача).

Тадқиқотнинг предмети. NH_4NO_3 суюқланмасига ҳар хил кон бентонит гилларини қўшиш, кейинчалик бентонит-нитратли суюқланмаларни донадорлаш минорасида сепиш усули ёрдамида ёпишқоқлиги бўлмаган АС олиш, ундан ташқари бентонит билан модификациялаштирилган АС намуналарининг физик-кимёвий, товар ва термик барқарорлик хоссаларини ўрганиш жараёнлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-механик, рентгенографик, электрон-микроскопик ва термогравиметрик таҳлил усуллари.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бентонит гилларининг физик-механик хусусиятларини аниқлаш натижалари орқали уларни аммиакли селитрага модификатор сифатида қўллаш мумкинлиги исботланган;

аммоний нитрати суюқланмасига дастлабки намлиги 1,0% бўлган бентонит гилларини АС : БГ = 100 : (1-1,5) нисбатда қўшиш аммиакли

селитра (АС) доналар ёпишқоқлигини брусит ва магнезит каби импорт қўшимчаларида олинган селитрага нисбатан 2–3 баробар камайиши, доналар мустаҳкамлиги эса 1,5–2 баробар ортиши аниқланган;

бентонит гили қўшимчаси селитра ғовакчалари ва микроёриқларини тўлдириши, натижада селитра доналарининг анча такомиллашган ички тузилиши ва юзасини ҳосил қилиши, шу орқали доналар мустаҳкамлигини ошириши ва уларнинг ғоваклигини камайтириши исботланган;

бентонит қўшилган селитра суюқланмасини совитишда тоза селитрадан фарқли улароқ III фазага ўтмасдан тўғридан-тўғри IV@II га полиморф ўтиши ҳароратнинг ўзгаришида (25-55°C) маҳсулотни сақлаш ва ташишда унинг АС доналари бузилмасдан барқарор қолишини таъминлаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Ёпишқоқлиги бўлмаган АС ишлаб чиқаришида хом ашё сифатида магнезит ва брусит каби импорт қўшимчаларни маҳаллий хом ашё – бентонит гилига тўлиқ алмаштириш имкони яратилади;

таркибида 0,5÷1,5 %-ли бентонит бўлганда ёпишқоқлиги бўлмаган АС яхши физик-кимёвий ва истъемолчилик хоссаларига эга бўлади. Бунда азот миқдори 34% дан кам эмас, яъни у қишлоқ хўжалигида асосий азотли ўғит сифатида қўллашга мўлжалланган Б маркали АС га қўйиладиган ГОСТ 2-85 талабларига жавоб беради;

«Навоiazот» АЖ да ёпишқоқлиги бўлмаган АС нинг тажриба-саноат синовлари ўтказилиб, жараённинг асосий технологик параметрлари аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бентонит гиллари қўшимчаси билан янги турдаги модификациялаштирилган ўғит – ёпишқоқлиги бўлмаган АС ни яратишга асос солди. NH_4NO_3 суюқланмасининг бентонит билан ўзаро таъсирлашув механизмини очиқ бериш катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, унинг натижасида АС доналари ёпишқоқлиги камаяди, улар мустаҳкамлиги, $20\rightleftharpoons 50^\circ\text{C}$ да қиздириш-совитиш кўп қайтарилувчи циклларга термик бардошлиги ортади ва II→IV га полиморф ўтиши барқарорлашади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти NH_4NO_3 суюқланмасига бентонит гилларини қўшиш, сўнгра бентонит-нитратли суюқланмаларни донадорлаш минорасида сепиш орқали донадор ҳолатдаги ёпишқоқлиги бўлмаган АС олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ёпишқоқлиги бўлмаган АС ишлаб чиқаришида бентонитдан фойдаланиш четдан келтириляётган магнезит ва брусит каби модификаторларнинг ўрнини тўлиқ босиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аммоний нитрати суюқланмасига бентонит гилларини қўшиш, кейинчалик бентонит-нитратли суюқланмани сепиш йўли билан ёпишқоқлиги бўлмаган донадор АС олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

АС нинг ёпишқоқлигини олдини олувчи магнезит кўшимчалар ўрнини босувчи маҳаллий бентонит гилларга алмаштириш технологияси «Навоиазот» АЖда амалиётга татбиқ этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2017 йил 21 июлдаги 03-3961/П-сон маълумотномаси). Натижада таркибида 0,5÷1,5 %-ли бентонит бўлган ёпишқоқлиги бўлмаган, яхши физик-кимёвий ва истъемолчилик хоссаларига эга бўлган АС олиш имконни берган;

магнезитни бентонитга алмаштириш йўли билан ёпишқоқлиги бўлмаган АСни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича Х Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида (2017) «Фарғона азот» АЖ билан шартнома тузилган (11.05.2017 й., 259-сон рақам билан рўйхатга олинган). Натижада четдан келтириляётган магнезит кўшимчасини маҳаллий бентонитларга алмаштириш орқали АСнинг таннархини 7,9 баробар камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва ўтказилаётган тадқиқотнинг зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тажриба-саноат синовлари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аммиакли селитра ва унинг сифатини яхшилаш йўллари**» деб номланган биринчи бобида донадорланган АС нинг ёпишиш жараёни назарияси батафсил кўрилган ва уни кристалланиш марказларини ҳосил қилувчи моддалар, унинг доналарини пуркаш ва сирт-фаол моддалар билан ишлов бериш йўли орқали бартараф қилиш мумкин бўлган йўллари кўрсатилган. ГОСТ 2-85 га мувофиқ АС га кўшимча сифатида аммоний сульфати, унинг аммоний ортофосфати билан бирикмаси ва каустик магнезит ишлатилади. МДХ ва Европа давлатларининг айрим корхоналарида доломит ҳам қўлланилади. Магнезит селитрага энг яхши кўшимча саналади.

Адабиётлар таҳлили магнезит қўшимчасини Ўзбекистонда захираси етарлича кўп бўлган маҳаллий бентонит гилларига алмаштириш мумкинлигини аниқлаш имконини берди. Улар тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширадиган агрономик рудаларга таъллуқлидир. Ушбу қўшимчали селитра ёпишмайди ва портловчилик ҳавфи анча кам бўлади, шу билан биргаликда ўзининг агрокимёвий самарадорлигини сақлайди. Адабиётлар таҳлили мазкур ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантиришга имкон берди.

Диссертациянинг «Дастлабки хом ашёлар тавсифи ва тадқиқотларни ўтказиш усуллари» иккинчи бобида саноат миқёсида ишлатилаётган Азкамар, Каттақўрғон, Лағон ва Навбаҳор (ППД маркали – карбонат-пальгорскитли ва ПБГ маркали – ишқорий-ер) конлари бентонит гилларининг таркиб ва физик-механик хоссалари келтирилган (1 ва 2-жадваллар). 2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, 1,62-2,38% намликда бентонит гилларининг уйма оғирлиги Азкамар бентонити учун – 0,796 г/см³; Каттақўрғон бентонити учун 0,641 г/см³; Лағон бентонити учун 0,792 г/см³ ва ППД марқадаги Навбаҳор бентонити учун 0,620 г/см³ га тенг. Бентонит гилларининг табиий қиялик бурчаги қиймати 17-26 градусларни ташкил этади. Уларнинг сочилувчанлиги текис, ҳеч қийинчиликсиз тарқалади. Намлик сиғими чегараси – 6,21-8,26%, ундан юқори намликда ушбу хом ашё ўзининг сочилувчанлигини йўқотади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 7,33 дан 7,46 гача рН га эга бўлган бентонит гиллари NH₄NO₃ нинг нордонлигини самарали нейтраллайди. Рентгенографик таҳлил натижалари, бентонит гилларининг асосий гилли минераллари монтмориллонит, каолинит, пальгорскит, гидрослюда ва хлорит эканлигини кўрсатди. Улардан ташқари кальцит, кварц, калийли шпат, барит ва бошқалар иштирок этади.

1-жадвал

Ҳар хил кон бентонит гилларининг кимёвий таркиби

Компонентлар	Компонентлар миқдори, оғир. %				
	Азкамар	Каттақўрғон	Лағон	Навбаҳор	
				ППД маркали	ПБГ маркали
SiO ₂	50,34	57,89	49,73	46,06	72,23
Al ₂ O ₃	15,21	16,71	14,74	8,78	8,82
Fe ₂ O ₃	5,67	5,19	5,57	3,0	3,93
CaO	4,76	1,12	2,26	12,2	1,26
MgO	2,3	2,9	4,45	4,33	1,81
CO ₂	3,41	< 0,2	2,97	9,35	0,20
K ₂ O	2,36	3,92	4,75	1,05	1,33
Na ₂ O	2,31	1,68	2,15	0,75	1,12
SO ₃	1,48	< 0,10	0,57	1,39	1,10
P ₂ O ₅	0,13	0,14	0,1	0,77	0,50
H ₂ O	5,42	6,17	3,80	6,0	4,37

Хар хил кон бентонит гилларининг физик-механик тавсифи

Хосса	Кўрсаткичлар			
	Азкамар	Каттакўрғон	Лағон	Навбахор ПДД маркази
Намлик, %	2,23	2,15	2,38	1,62
Эркин ҳолатдаги зичлик, г/см ³	0,796	0,641	0,792	0,620
Зичлаштиришдаги зичлик, г/см ³	1,193	0,946	1,074	0,916
Қиялик бурчаги, град.	26°53′	20°33′	17°25′	24°50′
Сочилувчанлик, сония	18,33	17,42	14,17	16,27
Гигроскопик нуқта, %	37,5	38,0	38,0	38,5
Намлик сиғими, %	6,91	7,14	6,21	8,26
10 %-ли суспензия рН	7,46	7,33	7,38	7,40

Модификациялаштирилган АС намуналарини олиш учун асосий компонент сифатида «тоза» марказдаги NH_4NO_3 ишлатилди. Солиштириш намуналари сифатида доналаштирилган NH_4NO_3 ва саноат маҳсулоти - 34,6% N ва 0,28% MgO ҳисобида магнезит тутган АС танланди.

Танланган қўшимчанинг таъсир механизмини ўрганиш мақсадида NH_4NO_3 суюқланмасини бентонит билан аралаштириш, сўнгра бентонит-нитратли суюқланмани доналаштириш минорасидаги жараёнга ўхшаш ҳолатда сепиш йўли билан модификациялашган АС намуналари олинди.

Учинчи бобда «Ўзбекистон бентонит гиллари қўшимчаси билан ёпишқоқлиги бўлмаган аммиакли селитра» NH_4NO_3 суюқланмасига бентонит гилларини (БГ) АС : БГ = 100 : 0,5 дан 100 : 3,0 гача бўлган оғирлик нисбатларда қўшиш асосида олинган ёпишқоқлиги бўлмаган АС нинг таркиб ва хоссаси ўрганилди. Уларни NH_4NO_3 суюқланмасига қўшишдан олдин 40 мкн ўлчамгача майдаланди. Намуналарни тайёрлаш учун белгиланган миқдордаги тоза NH_4NO_3 175°C суюқлантирилди, ундан кейин суюқланмага ўлчанган бентонит кукуни қўшилди. Олинган бентонит-нитратли суюқланма 3 дақиқа давомида ушлаб турилди, ундан кейин у сепиш йўли билан донадорланди. Аввал, АС ни модификациялаштиришга қўлланилган бентонит гиллари дастлабки намлигининг унинг асосий хоссаларига (ёпишқоқлик, доналарнинг мустаҳкамлиги ва 20↔50°C қиздириш-совитиш кўп қайтарилувчи циклларга термик бардошлиги) таъсири ўрганилди. Аниқландики, бентонитнинг ҳар қандай турдаги қўшимчаси АС ни ёпишқоқлигини камайтиради. Бентонитлар тури, намлиги ва уларнинг миқдорига боғлиқ равишда донадорланган АС ёпишқоқлигининг ўзгариши бир хилдир. Бентонит дастлабки намлигининг 4,5 дан 0,5% гача пасайиши ҳамда қўшиладиган миқдорининг ортиши билан селитра ёпишқоқлиги камайиши исботланди. Бунда селитранинг доналар мустаҳкамлиги сезиларсиз ўзгаради. Аммо термик бардошлиги кескин ортади. Доналар мустаҳкамлиги етарлича мустаҳкамликга эга бўлган (1,90-3,85 МПа) ва қиздириш-совитишда 50 ва ундан кўп циклга бардош берадиган ёпишқоқлиги бўлмаган АС (34% дан кам бўлмаган N тутган) олиш учун

дастлабки бентонит намлиги 1-2% дан кўп бўлмаслиги лозим. Бунда АС : БГ = 100 : (1-1,5) нисбатдаги АС нинг ёпишқоқлиги магнезит кўшилган АС ёпишқоқлигидан ($4,67 \text{ кг/см}^2$) 2-3 баробар камдир (3-жадвал). Доналарнинг энг юқори мустаҳкамлигига (2,50-2,94 МПа) Навбахор бентонити (ПБГ маркали) кўшилган селитра эга бўлади. Солиштириш учун – ҳеч қандай кўшимчаларсиз тоза NH_4NO_3 доналари мустаҳкамлиги 1,36 МПа, магнезит кўшимчали селитранинг мустаҳкамлиги эса 1,58 МПа ни ташкил этади.

3-жадвал

Дастлабки бентонит гили намлиги ва миқдорининг аммиакли селитра доналари мустаҳкамлиги ва ёпишқоқлигига таъсири

АС : БГ оғирлик нисбати	N миқдори, %	Доналар мустаҳкамлиги, МПа		Ёпишқоқлик, кг/см^2	
		Дастлабки БГ таркибидаги намлик миқдори, %			
		1,0	2,0	1,0	2,0
Навахор кони ПБГ маркали бентонит гилини кўшишда					
100 : 0,5	34,29	2,01	1,99	2,28	2,47
100 : 1,0	34,10	2,50	2,50	2,17	2,28
100 : 1,5	33,92	2,94	2,94	1,95	2,04
100 : 2,0	33,71	3,15	3,15	1,51	1,67
100 : 2,5	33,63	3,30	3,30	1,35	1,58
100 : 3,0	33,45	3,51	3,50	1,69	1,80
Азкамар кони бентонит гилини кўшишда					
100 : 0,5	34,29	1,90	1,89	1,89	2,05
100 : 1,0	34,12	2,30	2,28	1,67	1,80
100 : 1,5	33,94	2,52	2,51	1,52	1,69
100 : 2,0	33,75	2,74	2,71	1,35	1,50
100 : 2,5	33,56	2,95	2,93	1,28	1,43
100 : 3,0	33,42	3,12	3,11	1,44	1,57
Лағон кони бентонит гилини кўшишда					
100 : 0,5	34,30	2,14	2,02	2,09	2,18
100 : 1,0	34,11	2,14	2,02	1,77	1,89
100 : 1,5	33,95	2,54	2,53	1,69	1,76
100 : 2,0	33,78	2,82	2,80	1,41	1,57
100 : 2,5	33,60	3,34	3,33	1,33	1,50
100 : 3,0	33,46	3,85	3,84	1,59	1,68
Каттақўрғон кони бентонит гилини кўшишда					
100 : 0,5	34,28	1,96	1,95	2,74	2,85
100 : 1,0	34,14	2,20	2,19	2,25	2,33
100 : 1,5	33,96	2,50	2,49	1,98	2,10
100 : 2,0	33,77	2,74	2,74	1,74	1,87
100 : 2,5	33,61	3,21	3,20	1,52	1,68
100 : 3,0	33,44	3,60	3,60	1,87	2,03
0,28% MgO кўшилган АС	34,6	1,58 ($W_{\text{нам.}} = 0,28\%$)		5,62 ($W_{\text{нам.}} = 0,28\%$)	
NH_4NO_3 «тоза»	34,96	1,32 ($W_{\text{нам.}} = 0,22\%$)		4,67 ($W_{\text{нам.}} = 0,22\%$)	

Тоза NH_4NO_3 доналари 10 циклдан кейин 5% га бузилди, 80 циклдан кейин эса тўлиқ бузилди. Магnezитли селитра доналари 20 циклдан кейин 5% га, 100 циклдан кейин эса тўлиқ бузилди. Намлиги 0,5-2,0% оралиғида бўлган бентонит билан бўлган селитра эса доналар бутунлигини 50 термоциклдан кейин ҳам соқлаб қолади. Доналар бузилиши фақатгина 60 циклдан кейин бошланади. Бентонитнинг дастлабки намлиги қанча кўп бўлса, доналар термик барқарорлиги шунча кам бўлади.

Тоза NH_4NO_3 ва магnezит кўшилган АС доналари ғовоқлиги мос равишда 22,0 ва 9,10% ни ташкил этади. NH_4NO_3 суюқланмасига 100г NH_4NO_3 га нисбатан 1,0 дан 3,0г гача миқдорда Азкамар бентонитини кўшиш доналар ғовоқлигини 7,71 дан 6,85% гача, Навбахор бентонитини (ППД маркали) кўшиш 7,92 дан 7,01% гача, Каттақўрғон бентонитини кўшиш 7,73 дан 6,89% гача ва Лағон бентонитини кўшиш 7,84 дан 6,93% гача камайтиришга имкон беради. Ушбу факт ўғит доналари мустаҳкамлигининг ошиш сабабини тасдиқлайди. АС : БГ нисбатига боғлиқ равишда АС доналарининг соляр мойини шимиш даражаси 100г махсулотга нисбатан Азкамар, Навбахор, Каттақўрғон ва Лағон бентонитлари учун 2,88-3,77; 3,06-3,90; 2,97-3,81 ва 3,02-3,92 г ёқилғи оралиқларида ўзгаради. У магnezит кўшилган АС да 4,33г, тоза NH_4NO_3 да эса 4,82г га тенгдир (4-жадвал).

4-жадвал

Аммоний нитрати суюқланмаси ва бентонит гиллари асосида олинган намуналар доналарининг ғовоқлиги ва шимилиши

АС : БГ оғирлик нисбати	N миқдори, %	Доналар ғовоқлиги, %	Доналарнинг шимиши, гр.
NH_4NO_3 «тоза»	34,9	22,0	4,82
0,28% MgO кўшилган АС	34,6	9,10	4,33
Азкамар кони бентонит гилини кўшишда			
100 : 1,0	34,12	7,71	3,77
100 : 2,0	33,75	7,28	3,09
100 : 3,0	33,42	6,85	2,88
Навбахор кони ПБГ маркали бентонит гилини кўшишда			
100 : 1,0	34,10	7,92	3,90
100 : 2,0	33,71	7,44	3,22
100 : 3,0	33,45	7,01	3,06
Каттақўрғон кони бентонит гилини кўшишда			
100 : 1,0	34,14	7,73	3,81
100 : 2,0	33,77	7,30	3,17
100 : 3,0	33,44	6,89	2,97
Лағон кони бентонит гилини кўшишда			
100 : 1,0	34,11	7,84	3,92
100 : 2,0	33,78	7,40	3,26
100 : 3,0	33,46	6,93	3,02

Бентонит тутган АС доналари магнезит кўшилган оддий АС доналарига нисбатан сувда секин (қарийб 1,5 баробар) эрийди. Демак, селитрада бентонитнинг борлиги доналардан азотнинг секин ажралишига имкон беради. Ундан ташқари бентонит NH_4NO_3 суюқланмаси нордонлигини камайтириш томонига ижобий буферли таъсир кўрсатади.

Термик усулда АС полиморф ўзгаришларига уларнинг иссиқлик эффектини қайд қилган ҳолда бентонит кўшимчасининг таъсири ўрганилди. NETSCH STA 409 PC/PG (Германия маҳсулоти) ускунасида 25 дан 175°C гача – 175 дан 25°C гача ҳарорат оралиғида қиздириш-совитишда намуналарнинг термик таҳлили ўтказилди. Кўрсатдики, тоза NH_4NO_3 (ҳеч қандай кўшимчасиз) суюқланиши $\text{IV}\rightarrow\text{III}$; $\text{III}\rightarrow\text{II}$; $\text{II}\rightarrow\text{I}$ ва $\text{I}\rightarrow$ суюқланма ўзгаришлари орқали кетиши аниқланди. Бунда $\text{IV}\rightarrow\text{III}$ полиморф ўтиш 46°C , $\text{III}\rightarrow\text{II}$ – 85°C , $\text{II}\rightarrow\text{I}$ – 126°C , $\text{I}\rightarrow$ суюқланма фазали ўтиш эса 169°C ни ташкил этади. $\text{IV}\rightarrow\text{III}$ полиморф ўтишининг мавжудлиги кристалл тузилишининг энг катта деформациясини таъминлайди. Бентонитлар кўшилган АС намуналари учун ҳам NH_4NO_3 га хос бўлган, аммо ўтиш ҳарорати ва АС : БГ нисбати буйича фарқ қилувчи кетма-кетликдаги тўртта модификацион ўзгаришлар кузатилади (5-жадвал). Масалан, Азкамар бентонит кўшимчаси билан АС : БГ = 100 : 0,5 да $\text{IV}\rightarrow\text{III}$, $\text{III}\rightarrow\text{II}$, $\text{II}\rightarrow\text{I}$ ва $\text{I}\rightarrow$ суюқланма ўзгариш ҳароратлари мос равишда 56,1; 91,1; 133,6 ва $174,2^\circ\text{C}$; АС : БГ = 100 : 1,5 да 59,0; 92,6; 133,9 ва $172,3^\circ\text{C}$, АС : БГ = 100 : 2,5 да эса 58,7; 92,3; 134,1 ва $170,3^\circ\text{C}$ ларда ўзгаради. Улардан кўринмоқдаки, бентонит кўшимчаси NH_4NO_3 нинг суюқланиш ва кристалланиш ҳароратини пасайтиради. Шунга ўхшаш ҳолат қолган бентонитлар фойдаланилган ҳолатда ҳам кузатилади, бунда ушбу қийматнинг кўрсаткичлари билан ўзаро фарқланади.

5-жадвал

Аммоний нитрати суюқланмаси ҳамда бентонит гиллари асосида олинган ўғитларнинг модификацион ўтишлари ҳарорати

АС : БГ оғирлик нисбати	Эгри чизикдаги чўққининг қиймати								
	IV→III	III→II	II→I	I→суюқ.	Суюқ.→I	I→II	II→III	III→IV	II→IV
	25 дан 175°C гача қиздириш				175 дан 25°C гача совитиш				
NH_4NO_3 «тоза»	46	85	126	169	169	125	48	30	-
Азкамар кони бентонит гилини кўшишда									
100 : 0,5	56,1	91,1	133,6	174,2	167,4	122,2	-	-	49,3
100 : 1,0	58,2	92,0	133,7	173,4	167,0	122,2	-	-	49,9
100 : 1,5	59,0	92,6	133,9	172,3	166,5	122,4	-	-	50,1
100 : 2,0	58,3	93,0	134,0	171,1	166,2	122,6	-	-	50,4
100 : 2,5	58,7	92,3	134,1	170,3	166,0	123,0	-	-	50,6
Каттақўрғон кони бентонит гилини кўшишда									
100 : 0,5	55,6	90,8	133,4	174,0	167,4	122,2	-	-	49,8
100 : 1,0	56,0	91,4	133,5	173,2	167,2	122,3	-	-	50,1
100 : 1,5	56,5	92,1	133,6	172,0	166,9	122,6	-	-	50,3
100 : 2,0	57,2	92,5	133,7	170,3	168,2	123,0	-	-	50,5
100 : 2,5	57,7	93,1	133,9	169,1	167,8	123,2	-	-	50,6

Полиморф ўтишлардаги кузатилган кўрсаткичлар киздиришга нисбатан совитишда пастдир. Тоза NH_4NO_3 суюқланмасини совитишида суюқланма→I; I→II; II→III ва III→IV ўзгаришлари мос равишда 169; 125; 48 ва 30°C орқали кетади. Бентонитли АС ни совитишда модификацион ўзгаришлар суюқланма→I; I→II; II→IV орқали кетади. Бунда III фаза ҳосил бўлмайди, яъни II→IV ўтиш III фазани четлаб ўтади, бу эса намуналар кристалл панжарасининг кам деформацияси ва доналар етарли мустаҳкамлигини таъминлайди. Демак, бентонит кўшимчаси IV модификацияни барқарорлаштиради: АС ни +51°C гача ҳароратдаги ўзгаришларда сақлаш ва қўллашда унинг кристалларининг модификацион ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган кескин ҳажмий ўзгаришлари содир бўлмайди.

Электрон микроскоп тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, бентонит кўшимчаси кристалланиш маркази бўлган ҳолда АС кристалларини ўлчамини кичирайтиради. Шу билан биргаликда, бентонит гили ғовакчалар ва микроёриқларни тўлдирган ҳолда, АС доналарининг анча такомиллашган ички тузилиш ва юзасини ҳосил қилади. Ушбу фактлар ҳам доналар мустаҳкамлигини ошиш ва уларнинг ғовоқлигини камайиш сабабларини тушинтиради.

Кўшилган бентонит миқдорига боғлиқ бўлмаган равишда ҳароратнинг кўтарилиши АС суюқланмасининг зичлик ва қовушқоқлигини бир хил камайтиради. Ўрганилган АС : БГ нисбатлари 100 : (0,5-3,0) ва ҳароратларда (165-185°C) барча бентонит-нитратли суюқланмалар зичлиги ва қовушқоқлиги (мос равишда 1,437-1,65 кг/см³ ва 4,88-9,14 сПз) магнезит кўшилган АС суюқланмаси қовушқоқлигидан (1,433-1,454 кг/см³ ва 4,85-5,91 сПз) сезиларсиз фарқ қилади ва сепиш усулида донадорлаш учун тўла яроқлидир.

Шундай қилиб, бентонит гиллари АС нинг ёпишқоқлигини бартароф этиш бўйича брусит ва магнезит каби импорт кўшимчаларни тўлиқ алмаштира олади. Бентонит гилли модификациялаштирилган АС физик-механик кўрсаткичлари бўйича саноат селитрасидан (ГОСТ 2-85) устун туради. Бентонит гили Ўзбекистон хом ашё базасида арзон ва эна қулайдир, бу эса уни АС ишлаб чиқаришида фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан мувофиқлигини таъминлайди.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Ўзбекистон бентонит гиллари кўшилган модификациялаштирилган аммиакли селитра олишнинг технологик ишланмалари**» бентонит гиллари кўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС технологиясининг лаборатория модель қурилмасидаги тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари натижалари келтирилган. Бунда тайёр ўғитлар намуналарининг таркиб ва хоссалари лаборатория шароитида олинган олинган маҳсулотлар таркибига жуда яқин эканлигини кўрсатди. Ўтказилган лаборатория тадқиқотлари ва модель қурилмада қатор тажрибалар асосида жараённинг технологик режими асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Бунда АС : БГ нинг мақбул оғирлик нисбати 100 : (1,0-1,5) ҳисобланади.

Ёпишқоқлиги бўлмаган АС технологиясининг тажриба-саноат синовларини «Навоиазот» АЖ да ўтказиш учун таркиби 1-жадвалда

келтирилган Навбахор кони бентонит гиллари ишлатилди. АС суюқланмасини олиш жараёнининг барча босқичлари мавжуд технологияда амалга оширилди. Фақатгина қўшимча равишда бентонитни узатиш ва унинг АС билан аралаштириш узели қурилди. Бентонит микродозатор орқали шкели аралаштиргичга берилди, бу ерда АС суюқланмаси билан аралаштирилди. Аралаштириш вақти 2-3 дақиқани ташкил этди. Сўнгра, бентонитли-нитратли суюқланма бир хилдаги оқувчан масса ҳосил қилиш учун гомогенизаторга, ундан кейин донадорлаштиргичга келиб тушди ва донадорлаш минорасида сепилди. Синовлар давомида АС : БГ = 100 : 1,5 оғирлик нисбатдаги янги турдаги маҳсулотнинг 1,0 тонна тажриба партияси ишлаб чиқарилди ва сочилувчанлигини аниқлаш учун 6 ой мобайнида сақлашга қўйилди, натижалар эса маҳсулот ўзининг сочилувчанлигини синовнинг барча вақтида тўлиқ сақлаб қолишини кўрсатди. Бунда маҳсулотда азот миқдори 34% дан кам эмас, бу қишлоқ хўжалиги учун Б маркадаги АС га қўйилган ГОСТ 2-85 талабларига жавоб беради.



Расм 1. Бентонит гиллари қўшилган модификациялаштирилган аммиакли селитра ишлаб чиқаришнинг блок-тизими

Бентонит тутган АС намуналари гигроскопик нуқтасининг паст кўрсаткичи (47-50%) ўзининг сочилувчанлигини сақлаган ҳолда, бентонитнинг сувда бўқиши ва ўз майдонида кўп миқдордаги сув ёки озуқа эритмасини тутиб тура олиш қобилияти билан тушинтирилади.

Лаборатория тадқиқотлари, лаборатория модель қурилмаси тажриба ишлари ва «Навоiazот» АЖ тажриба-саноат ишлари натижалари асосида

янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик тизими тавсия этилди. Расмда NH_4NO_3 суюқланмасига бентонит гилини қўшиш асосида сепиш усулида донатор модификациялаштирилган АС ишлаб чиқаришнинг блок-тизими келтирилган.

Ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоблар шуни кўрсатдики, импорт магнетитни (1 тонна маҳсулотга 5 кг) бентонит гилига (1 тонна маҳсулотга 10 кг) алмаштирилганда қўшимча сифатидаги хом ашёнинг таннари 87% га камаяди. Четдан келтириладиган 1 тонна брусит нархи нархи 550 АҚШ доллари ($1\$ = 4014,5$ сўм), маҳаллий бентонитнинг нархи эса 140 минг сўм. Агарда АС ишлаб чиқариш қуввати йилига 100 минг тонна бўлганда ҳар йили қиймати 275 минг АҚШ долларига тенг бўлган 500 тонна магнетит (MgO) талаб этилади, шу ҳажмдаги селитра ишлаб чиқаришда 140 млн. сўм қийматдаги 1000 тонна миқдорда бентонит керакдир, бу эса 7,9 баробарга арзондир.

ХУЛОСА

Диссертацияда селитрага қўшимча сифатида Ўзбекистондаги энг қўлай ва арзон хом ашё ҳисобланган бентонит гилларини фойдаланиб модификациялаштирилган АС технологиясини яратиш буйича долзарб илмий-техник вазифалар ечилган.

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Азкамар, Каттакўрғон, Лағон ва Навбахор конлари бентонит гилларининг таркиб ва хоссалари (дисперс таркиби, намлик, уйма зичлик, қиялик бурчаги, рН, гигроскопиклик, намлик сифими) аниқланди. Бентонитларнинг асосий гил минераллари монтмориллонит, каолинит, палыгорскит, гидрослюда ва хлоритдан иборат. Улардан ташқари кальцит, кварц, калийли шпат ва барит мавжуд. Ўзбекистон бентонитлари кимёвий таркиби ва хоссалари уларни АС га қўшимча сифатида қўллаш мумкинлигини аниқлаш имконини берди. Модификациялаштирилган АС намуналарини тайёрлашда «тоза» маркадаги NH_4NO_3 ишлатилди.

2. NH_4NO_3 суюқланмасига уни донаторлаштиришдан олдин бентонит гилларини қўшиш орқали ёпишқоқлиги бўлмаган АС олиш жараёни ўрганилди. Бунда қўшимча миқдори 100г NH_4NO_3 га нисбатан 0,5 дан 3,0г гача ўзгартирилди. Кўрсатдики, бентонит намлигини 4,5 дан 0,5% гача пасайтириш селитра ёпишқоқлиги кескин камайтиради. Бунда доналар мустаҳкамлиги ўзгармайди. Аммо термик бардошлиги кескин ортади. Доналари етарлича мустаҳкамликга эга бўлган ва қиздириш-совитишда ($20 \rightleftharpoons 50^\circ\text{C}$) 50 дан ортиқ цикларга бардош берадиган АС олиш учун бентонит намлиги 1-2% дан юқори бўлмаслиги лозим. Бунда АС : БГ = 100 : (1-1,5) нисбатда олинган АС нинг ёпишқоқлиги магнетитли АС ёпишқоқлигидан ($4,67 \text{ кг/см}^2$) 2-3 баробар камдир. 100г NH_4NO_3 суюқланмасига 1,0 дан 3,0г гача бентонитни қўшиш доналар ғовоқлигини дастлабки 22% (NH_4NO_3) дан Азкамар бентонитида 7,71 дан 6,85% гача, Навбахор бентонитида 7,92 дан 7,01% гача, Каттакўрғон бентонитида 7,73 дан 6,89% гача ва Лағон бентонитида 7,84 дан 6,93% гача камайтиради. АС

доналарининг соляр мойини шимиш даражаси 100г ўғитга нисбатан Азкамар, Навбахор, Каттакўрғон ва Лағон бентонитлари учун 2,88-3,77; 3,06-3,90; 2,97-3,81 ва 3,02-3,92 г ёқилғи оралиқларида бўлади. У донадорланган тоза NH_4NO_3 4,82г га тенгдир. Бу фактлар ўғитлар доналари сифати яхшиланганлигидан далолат беради.

3. Қиздириш-совитиш (25-175°C – 175-25°C) циклларида полиморф ўтишлар ўрганилганда бентонитли селитра суюқланмасини совитиш жараёнида суюқланма→I; I→II ва II→IV кетма-кетликдаги ўзгаришлар содир бўлади. Яъни III фаза ҳосил бўлмайди. Бу селитра кристалл панжараси кам деформациясига ва доналарнинг етарли мустаҳкамлигига олиб келади. Бентонит NH_4NO_3 даги IV модификацияни барқарорлаштиради: демак АС ни ҳарорат ўзгаришларида сақлаш ва қўллашда унинг кристалларининг модификацион ўзгаришлар билан боғлиқ кескин ҳажмий ўзгаришлар содир бўлмайди. Электрон микроскопи тадқиқотлари натижасида бентонит қўшимчасининг кристалланиш маркази бўлган ҳолда АС кристалларини ўлчамини кичирайтириши аниқланди. Бентонит гили АС нинг ғовакчалар ва микроёриқларни тўлдирган ҳолда, доналарнинг анча такомиллашган ички юза ва тузилишини ҳосил қилади.

4. АС : БГ ўрганилган оғирлик нисбатларида ва ҳароратларда (165-185°C) бентонит-нитратли суюқланманинг зичлик ва қовушқоқликлари магнетит-нитратли суюқланмаси зичлик ва қовушқоқликларидан деярли фарқ қилмайди ва минорада донадорлашга яроқли ҳисобланади.

5. Лаборатория модел қурилмасида бентонит гиллари қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС олишнинг мақбул режимлари синовдан ўтказилди. Натижа шуни кўрсатдики, тайёр ўғит намуналарининг таркиб ва хоссалари лаборатория шароитида олинган маҳсулот таркибига жуда яқиндир. Навбахор кони бентонит гиллари қўшилган ёпишқоқлиги бўлмаган АС технологияси «Навоиазот» АЖ да тажриба-саноат шароитида синовдан ўтказилди. Синовлар вақтида АС : БГ = 100 : 1,5 оғирлик нисбатдаги янги турдаги маҳсулотнинг 1,0 тонна ҳажмдаги тажриба партияси ишлаб чиқарилди. Олинган маҳсулотда азот миқдори 34% бўлиб, у қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган Б маркадаги аммиакли селитрага қуйилган 2-85 рақамли ГОСТ талабларига жавоб беради.

Лаборатория тадқиқотлари, лаборатория модель қурилмасидаги тажриба ишлари ҳамда «Навоиазот» АЖ да ўтказилган тажриба-саноат синовлари натижалари асосида янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик тизими ишлаб чиқилди.

6. Ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоблар, импорт қилинаётган магнетитни бентонит гилига алмаштирганда хом ашёнинг таннархи 87% га камайишини кўрсатди. Ҳозирги кунда четдан олиб келинаётган бруситнинг 1 тонна нархи 550 АҚШ доллари (1\$ = 4014,5 сўм), маҳаллий бентонитнинг нархи эса 140 минг сўмга тенгдир. Агарда АС ишлаб чиқариш қуввати йилига 100 минг тоннани ташкил этса ҳар йили 275 минг АҚШ доллари қийматидаги 500 тонна брусит талаб этилади, шундай ҳажмдаги селитра ишлаб чиқариш учун эса қиймати 140 млн. сўм бўлган 1000 тонна миқдорда бентонит ишлатилади, бу эса 7,9 баробарга арзонлашади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ И ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ТУРДИАЛИЕВ УМИД МУХТАРАЛИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
МОДИФИЦИРОВАННОЙ АММИАЧНОЙ СЕЛИТРЫ С ДОБАВКОЙ
БЕНТОНИТОВЫХ ГЛИН**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.PhD/ТЗ.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Намазов Шафоат Сагтарович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Эркаев Ақтам Улашевич
доктор технических наук, профессор

Жуманиязов Максуд Жаббиевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

АО «Ферганаазот»

Защита состоится «__» _____ 2017 г. в «__» часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии и Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № ___, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2017 года.

Закиров Б.С.

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н.

Салиханова Д.С.

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н.

Тухтаев С.

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.х.н., проф., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире главная перспектива развития сельского хозяйства связана с повышением урожайности за счет внедрения новейших технологий обработки почвы, созданием высокоурожайных сортов технических культур, и конечно, комплексного применения минеральных удобрений. Поэтому в последнее время большое внимание уделяется производству минеральных удобрений с улучшенными физико-химическими и товарными свойствами, которые считаются основными факторами при выращивании высокого и качественного урожая сельскохозяйственных культур.

За годы независимости в химической промышленности республики осуществляются широкомасштабные меры по модернизации и диверсификации производства, внедрению инновационных технологий, увеличению объема и расширению ассортимента экспортоориентированной конкурентоспособной продукции, в том числе азотных, фосфорных, калийных и сложных удобрений. Аммиачная селитра (АС) считается одним из самым крупнотоннажным и эффективным азотным удобрением. В Узбекистане самые крупные заводы производят её в количестве более 1,7 млн. тонн в год.

В мире для улучшения потребительских свойств селитры особое внимание уделяют выбору наиболее эффективных модифицирующих добавок. Одной из наилучших добавок, устраняющих её слёживаемость, является магниевая добавка, а наши заводы используют каустический магнезит и брусит, которые закупают из зарубежа. С учетом крупнотоннажности аммиачной селитры для экономии валютных средств необходимо заменить как магнезит, так и брусит на местные сырьевые материалы. Целью настоящей работы является замена импортируемых добавок на местный сырьевой источник – бентонит, запасы которого в Узбекистане достаточно велики. Предпосылкой успешного результата является тот факт, что они относятся к агрономическим рудам и никакого вреда для почвы и растениям оказать не могут. При разработке технологии неслёживающейся и гранулированной АС необходимо обосновать следующие решения, в том числе: установление влияния состава и свойств бентонитового сырья на повышение прочности гранул селитры и одновременно уменьшающей их слёживаемость; с помощью бентонитовой глины создание множества центров кристаллизации, основанной к заполнению пор и микротрещин селитры, в результате чего образуется более совершенная поверхность и внутренняя структура гранул; полная замена импортных сырьевых добавок, таких как магнезит и брусит на местное сырьё – бентонитовую глину для производства неслёживающейся АС.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан №4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства

на 2015-2019 годы» и постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №8 от 22 января 2015 года «О дополнительных мерах по сокращению производственных затрат и снижению себестоимости продукции в промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

